



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 21-iyul, payshanba,
83 (23.650)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Ношуднинг
ёки ўжарнинг
иши
юришмаслиги
адолатсизлик
эмас

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Конституциямизга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқароларимиз ҳамда ватандошлар билан мунтазам алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилади, деган қондани киритиш даркор.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар қай тарзда киритилади?

Мамлакатимиз Бош қомусига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Асосий қонунининг 127-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овози ёки референдум йўли билан қабул қилинади.

Яъни, ҳар доим ҳам Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмавермайди. Негаки, инсон – жамият – давлат тизими муносабатлари учун энг зарур қондалар, эҳтиёжлар мавжуд бўлгандагина бу амалиёт қўлланилади. Бугунга қадар Асосий қонунга 16 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Таҳлилларга кўра, уларнинг асосий қисми – Президент, давлат органлари, сайлов, суд, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ваколатларини мувофиқлаштириш, кенгайтириш, ўзaro тийиб туриш масалалари билан боғлиқ. Кўринадиким, ёш ва айни дамда мустақил давлатда амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ бошқарув тизими билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Бугунги кун воқелиги ва мавжуд шароитдан келиб чиқиб, галдаги вазифа – инсон ва фуқаро ҳуқуқларига тегишли асосий ҳамда зарур қондаларни киритиш белгиланган.

Марказий банк вилоят бошқармасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятимиздан сайланган депутатлар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда айни шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Кон-

ституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокама-сига оид маълумотлар ҳам берилди.

– Лойиҳанинг умумхалқ муҳокама-сига жамоатчилигининг фаол иштироки, албатта, Асосий қонунининг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Ризаев. – Айтиш мумкинки, шу жиҳатдан ҳам муҳокама жараёни учун навбатдаги мuddат белгиланди.

Бундан ташқари, лойиҳа референдумга қўйилиши белгилангани ҳам "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" тамойилининг конституциявий қонда сифатида муҳрланаётгани инсон шайни ва кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун қўйилаётганини кўрсатиб турибди.

Айни мавзудаги мулоқотларни шаҳар ва туманларда давом эттириётган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари тарғиботнинг бошқа усулларини ҳам амалга оширяпти. Хусусан, ҳамкор ташкилотлар билан "Конституция билимдони" интеллектуал мусобақаси ташкил этилди.

Беллашувларда ўндан ортиқ ёшлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан ўз билимларини синондан ўтказди.

Ўз мухбиримиз.

Ғаллакор – Пайариқ туманининг энг олис, тоғ ён бағрида жойлашган маҳалларидан бири. Вилоят марказидан қарийб 100, туман марказидан эса 55-60 километр узоқликдаги ҳудудда 7 мингга яқин аҳоли яшайди. Саккиз қишлоқдан иборат.

Яқинда маҳалла аҳолиси вилоят ҳокимининг телеграм мессенжери орқали мурожаат қилиб, ҳудуддаги йўлларнинг носозлиги ва бошқа муаммоларни билдирганди.

Э.Турдимов ушбу мурожаатни жойида ўрганиш мақсадида мутасаддилар билан бирга Ғаллакорга борди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, фаоллар ва аҳоли билан учрашувда йўл, электр энергияси, ичимлик суви, таълим муассасалари билан боғлиқ муаммолар қайд этилиб, уларга ечим топилди.

– Маҳаллага келгунча йўлнинг ҳолатини кўрдик ва бугундан бу ишга киришилади, – деди вилоят ҳокими. – Қарийб икки километр йўлга асфальт ётқизилади, 10 километр ички кўчаларга тош-шағал тўшалади. Иккита пидедалар кўприги қурилади. Маҳаллани туман маркази билан боғловчи йўлда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилади. 200 та симёғоч бетон таянч устунларга алмаштирилади, 6 та трансформаторни янгилаймиз. Бу жараёнда маҳалладаги яна бошқа муаммо ва камчиликлар ҳам бартараф этилади.

Учрашувда маҳалла аҳолиси мактаб билан боғлиқ муаммоларини билдирди ва вилоят ҳокими таълим муассасасига бориб, шарт-шароит билан танишди. Шу ернинг ўзиде мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Ҳоким Ғаллакорга борди

Маҳалла ҳаётида ўзгаришлар бошланди

Ҳудуддаги аҳолининг юқори синфда ўқийдиган 60 нафарга яқин фарзандлари қарийб 10 километр йўл босиб, мактабга бориши инobatга олинган ҳолда, мактабга автобус ва ҳайдовчи штати ажратилиши белгиланди. Эндиликда Ғаллакорлик ўқувчилар мактабга автобусда бориб келади.

– Беш нафар фарзандимнинг 4 нафари мактабга боради, – дейди Савара Худоерова. – Мактаб узоқлиги сабабли топган пулимиз болаларнинг пойабзалига сарфланади. Бугун вилоят ҳокими ушбу муаммо ҳақида айтганимиздан сўнг мактабга автобус берилдиган бўлди.

– Бизни ҳам эшитадиганлар бор экан-ку, – дейди маҳалла фаолларидан бири Эшмўрод Улашов. – Вилоят ҳокими маҳаллаимизга масъулларни бошлаб келиб,



муаммоларимизга ечим топиб берганидан хурсанд бўлиб ўтирибмиз. Мана, ишлар шу бугундан бошланди.

Э.Турдимов Ғаллакорда бажарилиши белгиланган топшириқларнинг ижроси бир ой ичида ўрганилишини билдирди.

Кўшни вилоятлар "Зарафшон" нигоҳида



ТЕМУРБЕККА БЕШИК БЎЛГАН ЗАМИН

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БУГУНИГА НАЗАР

Мамлакатимизнинг бу гўшаси ҳақида гап кетганда, одатда чўлда жойлашган ва табиийки, ривожланишдан ортда қолган ҳудуд сифатида қаралади. Аслида ҳам шундайми?

Жаҳонгир Темуриб бег ўсган вилоятга қилган сафаримиз давомида бу фикр нотўғрилигини, айниқса, кейинги 5-6 йилда ҳудудда катта ўзгариш ва ижобий янгиланишлар бўлганини кўрдик.

Қашқадарё вилоятида бошқа ҳудудларга нисбатан нефть-газ саноати

бирмунча ривожланган. Бироқ олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, бу ерда саноатнинг бошқа тармоқлари, хусусан, текстиль корхоналари ҳам жадал тараққий этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

E'tirof menga shijoat bag'ishladi

Qahramonimiz Aziz Samadov Samarqand shahrida tug'ilgan. U faoliyati davomida innovatsion g'oyalari tanlovida g'olib bo'lib, dasturlash yo'nalishida yangi elektron hisoblash mashinalari tizimini yaratgan. Hozirda u Samarqand tumanida avtotransport vositalariga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash korxonasi rahbari sifatida faoliyat olib bormoqda. Aziz yaqinda Prezidentimiz tomonidan e'tirof etilib, "Mard o'g'lon" Davlat mukofoti bilan taqdirlandi.

– Yoshligimdan kompyuterda ishlashga va yangi narsalar yaratishga qiziqardim, – deydi Aziz. – Otam iste'dodimni ko'rib, kompyuter olib berdi va kompyuter savodxonligi kursida o'qitdi. 2015-yilda Samarqand davlat universitetining amaliy matematika va informatika fakultetiga shartnoma asosida o'qishga kirdim. O'qish davomida fan olimpiadalari va dasturlash yo'nalishida yutuqlarga erishdim. 2017-yilda "Talabalarning davomati va o'zlashtirishi" elektron hisoblash dasturini yaratdim va bu tizim O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi tomonidan ro'yxatga olindi. O'sha yili yana ikkita "Oliyogoh o'quv bo'limi", "Anonim so'rovnomasi" elektron hisoblash mashinasi dasturlarini yaratib, guvohnomani qo'lga kiritdim.

Aziz Samadov faoliyati davomida axborot xavfsizligi va amaliy dasturlash mavzularida respublika va xalqaro miqyosda o'nga yaqin ilmiy maqolalar chop ettirgan. Shuningdek, Ulug'bek nomidagi Dalat stipendiyasi va innovatsion g'oyalari uchun tabiiy fanlar yo'nalishi bo'yicha Prezident stipendiyasi sovrindori bo'lgan. 2019-yilda Samarqand davlat universitetida masofaviy ta'limni rivojlantirishga hissa qo'shgan dasturi uchun "Innovatsion g'oyalari yetakchisi" ko'krak nishoni bilan taqdirlangan.

– Universitetdagi ustozim Iskan-dar To'raqulovga shogird tushdim va maslahatlariga amal qilib, ko'p narsalarni o'rgandim, – deydi Aziz. – Magistratura bosqichida ham ilmiy izlanishlarimni u kishining rahbarligida bajardim. Hozirda ustozim bilan "Amaliy dasturlash" mavzusida ilmiy izlanish olib boryapmiz. Nasib qilsa, bu yil doktoranturaga o'qishga topshiram.

Aziz rahbarlik qilayotgan avtotransport vositalariga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlashga mo'ljallangan "Secure Trucks" mas'uliyati cheklangan jamiyati 2020-yilda faoliyat boshlagan. Hozirda korxonada 10 nafar ishchi-xizmatchi mehnat qilmoqda.

– 2020-yilda viloyat hokimi Erkinjon Turdimov yoshlarning bandligini ta'minlash, ularni kasb-hunarga o'rgatish ma-



salasida yoshlar va tadbirkorlar bilan uchrashuv o'tkazgandi, – deydi Aziz Samadov. – Muloqotda men ham qatnashib, avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish korxonasi ochmoqchiligimni, keyinchalik faoliyatimni kengaytirib, xorij davlatlari bilan hamkorlikni yo'lga qo'yishimni, ammo faoliyatimni boshlash uchun joy kerakligini bildirgandim. Viloyat hokimi taklifimni qo'llab-quvvatladi va o'sha kuni Samarqand tumanidan faoliyatimga mos joy ajratilib, Samarqand avtomobil zavodi bilan shartnoma imzolandi. Faoliyatimni 3 nafar ishchi bilan boshladim. Hozir korxonada 10 kishi ishlayapti. O'tgan yil korxonada avtomobillarning 6,2 milliard so'mlik ehtiyot qismlari tayyorlangan bo'lsa, joriy yilning o'tgan uch oyida qariyb 3 milliard so'mlik avtomobil ehtiyot qismlari tayyorlandi. Yil oxirigacha yana 10 milliard so'mlik avtomobil jihozlarini terish maqsad qilingan. Shuningdek, kelgusi yil Rossiya bilan hamkorlikda qo'shma korxonada ochish rejalashtirilgan.

Davlatimiz rahbarining joriy yil 28-iyundagi farmoniga muvofiq, bir guruh faol, iqtidorli, bilimli va tashabbuskor yoshlar qatorini Azizbek ham "Mard o'g'lon" Davlat mukofoti bilan taqdirlandi.

– Prezidentimiz qo'llaridan mukofotni olar ekanman, u kishining "Azizbek, ota-onangga rahmat, sen bilan faxrlanaman, boshlagan ishlaringga o'mad", degan so'zlarini meni juda ruhlantirdi, – deydi Aziz Samadov. – Bunday yuksak e'tirof menga shijoat bag'ishladi va yanada ko'proq o'qishga, izlanishga, yangi g'oyalarni amalga oshirishga da'vat etdi. Albatta, bildirilgan bu ishonchga munosib bo'lish uchun barcha imkoniyatlarimni safarbar etib, yurtimiz ravnaqiga hissa qo'shaman.

F.RO'ZIBOYEV.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги олдидан

ИСЛОХОТЛАР ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ХАМ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аввало, инсон манфаатларига, халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб, ҳар жиҳатдан қулай шароитда турмуш кечиришига қаратилган. Ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда ҳам ўз вақтида амалга оширилиши одамлар кайфиятини, ислохотларга ишончини белгилайди.



Бугунги кунда аҳоли ўртасида ижтимоий соҳа объекти ларига бўлган талаб юқори. Йиллар давомида чекка ҳудудларда таълим-тарбия, тиббий хизматга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги ушбу соҳаларда ишнинг издан чиқиб кетганини олиб келди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан

олиб борилаётган ислохотлар жараёнида бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш, таълим-тарбияни тубдан ислохот қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натيجида чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига мос тиббий муассасалар, мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

ТЕМУРБЕККА БЕШИК БЎЛГАН ЗАМИН ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БУГУНИГА НАЗАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

КЛАСТЕРЛАР УЧУН МАСТЕР-КЛАСС

"Sulton Tex Group" МЧЖ юртимизда амалиётга татбиқ этилган кластер тизими ўзини оқлаётганига ёрқин мисол дейиш мумкин. Корхона кластер аслида қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб турибди. Негаки, тадбиркорлик субъектида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ саноат "занжири" яратилган.



Маълум қилишларича, беш йил муқаддам Қарши шаҳрида иш бошлаган корхонада 7 миллион АҚШ доллари эвазига йилига 7,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имконига эга ип-ийгирув фабрикаси ишга туширилиши билан кластерга илк пойдевор қўйилган. 2018 йилда қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг трикотаж мато ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилиб, 90 кишининг бандлиги таъминланган. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган тўқув фабрикасида ҳар йили 5 минг тонна мато тайёрланаркан.

Дарвоқе, хоржик технологияларига асосланган корхона 50 минг тонна пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлайди. Корхона негизда 2019 йилда иш бошлаган тикувчилик фабрикасида 1400 нафар хотин-қизга доимий даромад манбаи билан бирга, йилига 8 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти яратилган. Сал аввал корхонада ип-ийгирув фабрикасининг иккинчи босқичи ишга туширилиб, 20 миллион АҚШ доллари жалб қилиниши ҳисобига қўшимча 350 иш ўрни яратилди.

"Sulton Tex Group" МЧЖ бу билан чекланиб қолмаяпти. Янги-янги лойиҳалар устида иш бошламоқда. Жумладан, гувоҳи бўлганимиз, ҳар йили 30 минг тонна чигитни қайта ишлаш имконига эга ёғ заводи 2020 йилда барпо этилган. Бу ерда пахта ёғи махсус идишларда қадоқланиб, ички бозорга етказилмоқда. Корхонада замонавий уруғчилик цехи иш бошлаши фермер хўжалиқларини сифатли уруғ билан таъминлаш имконини бермоқда. Цехда 20 минг тоннадан ортиқ сара чигит уруғчиликка тайёрланади.

Этиборлики, биз корхонада бўлганимизда ёнига асалари сурати туширилган "Лабо" русумли автомашиналар бирин-кетин чиқиб кета бошлади. Рост, ҳайратимизни яширолмай, "Асал ҳам тайёрлайсизларми?", деб сўрадик.

Маълум бўлишича, кластер фаолияти шу билан чекланиб қолмайди. Келгуси икки йилда умумий қиймати 26,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 4 та истиқболли лойиҳани рўёбга чиқариш, 1000 нафар кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, корхона тармоқлари яна бир тикув фабрикаси, шунингдек, бугун заруратга айланган бўёқ фабрикаси ҳисобига бойийди. 1000 бош зотдор қорамол боқишга мўлжалланган замонавий чорвачилик комплекси ҳамда йилига 6 минг тонна сўт ва 300 тонна гўштни қайта ишлаш имконини берувчи лойиҳалар ҳам вилоят учун юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этиши кутилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТИ 5 ЙИЛДА 50 ФОИЗГА ҲАДА

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг маълум қилишларича, бу кўрсаткичга эришиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Унинг ижроси ўлароқ, яқин беш йил ичида вилоятда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,5 баравар ошиб, саноат маҳсулотлари ҳажми 1,5 баравар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,2 баравар, хизматлар ҳажми 2,9 баравар, қурилиш ишлари ҳажми 1,2 баравар кўпайиши керак.

Хусусан, жорий йил якунига қадар Китоб туманида ишга туширилган "Qarshi Conch Cement" хорижий корхонаси Хитой Халқ Республикасининг машҳур "Anhui Conch Cement Co LTD" компанияси томонидан 150 миллион доллар эвазига барпо этилган. 41 миллион доллар миқдорда инвестиция йўналтирилиши кўзда тутилган корхонада 400 та иш ўрни яратиларкан.

Бундан ташқари, воҳада нефть-газ соҳасига алоқадор яна бир лойиҳа якунига етказилиб, Косон туманидаги "Rapid Rise Technology" масъулияти чекланган жамиятида нефть бурғулаш ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Косон туманидаги бошқа бир саноат корхонаси - "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамиятида эса йил давомида бирий-

ла иккита йирик объектни ишга тушириш мўлжалланаяпти. Улардан биттасининг қиймати 30,5 миллион долларга тенг бўлиб, ҳар йили қўшимча 5,9 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имконини берса, иккинчиси, 33,4 миллион долларлик тўқимачилик комплекси йилига 2 миллион метр квадрат газлама, 1,6 минг тонна тўқимачилик матоси ва минг тонна момиқ сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бундан ташқари, декабрь ойда Муборак туманида "Asia Max Muborak" МЧЖнинг йилига 150 минг тонна олтингургуртни қайта ишлаш қувватига эга 5 миллион долларлик лойиҳаси ишга туширилган. Шунингдек, Шахрисабз шаҳрида "Hisorakgidroqurilish" МЧЖ замонавий мебель ишлаб чиқаришни назарда тутувчи 3 миллион долларлик лойиҳасини якунига етказди.

Ғузор туманидаги "Guzar Parranda Klaster SJE" МЧЖ негизда 4 миллион доллар сарфланиб, 500 минг бош товуқли паррандачилик кластери 150 кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган. Қарши шаҳридаги эркин иқтисодий зонада Марказий Осиё ва МДХ давлатлари бозорига киришни режалаштирилган қуёш чинарлар чиқарувчи жаҳондаги етакчи "Solar Finland" компанияси билан "Ўзбек-Фин" қўшма корхонасини очиб чоралари қўрилаётгани эса воҳада иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан дарак бериб турибди.

КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

Самарқанд шаҳрида бугун йўллари таъмирлаш масаласида катта ишлар қилиняпти. Буни жамоатчилик турли халқаро тадбирлар олдидан қилинаётган ишлар, деб билапти. Қарши шаҳрида бўлган киши аслида бу каби бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг барча гўшаларини қамраб олаётганини тезда илгашти тайин.

Шаҳарнинг кўчалари қашқадарёликларнинг кўнгли каби кенг. Этиборлики, Самарқанд шаҳридан фарқи ўлароқ, деярли барча кўчаларда машина қатнов қисми билан пиёдалар йўлаги ашил майдон билан ажратилган. Балки шу боис ҳар қадамда такси тўхтатилмайди. Бироқ автобуслар бу ерда кўҳна кентдагидан анча қамлиги сезилиб турибди. Бироқ аҳолига нафақат юртимизда, балки хорижда ишлаб чиқарилган автобуслар ҳам хизмат кўрсатапти.

Дарвоқе, йил масаласида. Жорий йил ички хўжалик йўллари ҳолатини яхшилаш бўйича 145,7 миллиард сўм маблағ эвазига 386,2 километр йўл таъмирланиши кўзда тутилган.

Хусусан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 378,7 километр (70 километр бетон йўл қуриш, 97,2 километр асфальтбетон ётқизиш ва 211,5 километр шағал қоплама ётқизиш) ички хўжалик йўллари таъмирлаш ишлари учун 139,6 миллиард сўм маблағ ажратилади. Шунингдек, дастур бўйича 72,2 километр (1,2 километр бетон йўл, 16,6 километр асфальтбетон ётқизиш ва 54,4 километр шағал қоплама ётқизиш) ички йўллар таъмирланиб, 19,2 миллиард сўмлик ишлар бажарилган. Ундан ташқари, жорий йилда 17 дона кўприкни тўла таъмирлаш ва қайта қуриш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 60,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарёга ташири давомида ҳам автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлашга оид берган топшиқларининг ижроси бўйича вилоятга йўл ишлари учун қўшимча 350,2 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиши белгиланган.

Шу ўринда яна бир гап. Сафаримиз давомида Қарши шаҳридан ташқари, Яқкабоб ва Китоб туманлари, Шахрисабз шаҳрида бўлди. Аҳамиятлики, бу ерларда ҳам пиёдалар учун алоҳида йўлақлар бор. Ва, улар ҳам автомобиль қатнов қисмидан ашил майдон билан ажратилган.

МАСЖИД, ҚАМОҚХОНА, ЭНДИ МУЗЕЙ

Қарши шаҳрига келганларга "Одина" масжидига бир кириб ўтишни тавсия қилман, - дейди шаҳар ҳокими матбуот котиби Умид Жабборов. - Негаки, узок тарихга эга бу маскан ўзига хос тарихга эгаллиги, бу эса ўтган кунлардан ҳулоса, бугунги кунга шукрона қилиш учун тугал асос бўла олади.

Рост, маскандаги йўлбошловчилар маълумотларидан Умид Жабборовнинг гаплари нақадар тўғрилиги амин бўлди.

Тарихдан маълум, Қарши беклиги Соҳибқирон ва ундан кейинги даврларда ҳам муҳим стратегик объектлардан бўлган. Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий шаҳарда ҳамма вақт илм-

фан, маданият тараққий этган. Йигирманчи асрнинг бошларига қарши ва унинг атрофидаги 46 та мадраса маданият ва маърифат ривожига хизмат қилган.

Ҳозирги кунда 46 та мадрасадан бор-йўғи учтасигина сақланиб қолган. Улардан қамоқхона сифатида фойдаланилгани учун қолдирилган. Бу обидалар орасида Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида қурилган Одина масжиди энг қимматлидир.

Масжид ҳақида гап кетганда, аввало, мустабид тузум даврида миллий маданиятимизга, маънавиятимизга қилинган хуружларни эсламасликнинг иложи йўқ. Негаки, 1386 йилда Амир Темур томонидан бунёд этилган бу масжид рус босқинчиларининг шаҳарга кириб келиши биланоқ тўпга тутилиши оқибатида олд айвон қисми бузилади. Шунга қарамай, ўтган асрнинг 30-йилларида қадар бу ерда намоз ўқилиб, жума ибодатлари адо этиб келинган. Аммо чор ҳукумати 1930 йилларга келиб, ушбу муқаддас мажмуани аввалга омборхона, бироз ўтиб эса қамоқхонага айлантирган. Икки-уч кишилик хонада бир неча ўнлаб маҳбуслар сақлангани айтилади.

Фақатгина Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан, аниқроғи, 2004 йилда хибсхона бошқа ерга кўчирилган ва Одина масжиди қайта тикланган. Бу ер хунармандлар марказига айлантирилган. Давлатимиз раҳбари имзолаган ҳужжат асосида бу ерда 2018 йил Қарши давлат университети ҳузуридаги Қатагон қурбонлари музейи иш бошлади.

Қайд этиш лозимки, мустабид тузум даврининг аёвсиз зулмларига гувоҳ бўлган мажмуада вилоятнинг айнан ўша даврдаги ҳаётини акс эттирадиган музей ташкил этилиши ҳар томонлама рағбатли ифодага эга.

Маълумотларга кўра, вилоят ҳудудида беш мингдан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд. Истиқлол йилларида уларнинг деярли барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ушбу манзиллар вилоятнинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

КАСС, КИСЕ, КАШ ВА КЕШ

Милод бошларида ва илк ўрта асрларда турли номлар билан аталган Шахрисабз Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлардан бири. Археологик маълумотларга кўра, шаҳарга милоддан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарида асос солинган.

Шаҳарда илм-маърифат ривож топиши натижасида "Қоший, Кеший" тахаллуси билан машҳур олим-фозиллар етатиб чиққанлиги туфайли Кеш шаҳри "Қуббат ул-илм вал адаб", яъни "Илм ва таълим гумбази" деган сифат билан шухрат топган.

Амир Темур ва теурийлар даврида Шахрисабз улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос амир ва бекларининг ёзги қароргоҳига айлантирилган. Шаҳар атрофи қалъа девори билан ўраб олинган, Испания элчиси Клавиго ўз қундалигида Шахрисабзда кўплаб маҳобатли бинолар ва масжидлар борлигини ва яна қурилаётганини таъкидлайди.

Соҳибқирон Амир Темур Шахрисабз шаҳрида бир қанча обидалар барпо эттирган. Улардан бири - Оқсаройнинг қурилиши 1380 йилнинг баҳорида бошланиб, 1404 йилгача давом этади.

Клавихонинг ёзиб қолдирган қўлёзмасига асосан, Оқсарой баландлиги ва катталиги жиҳатидан ўша даврда ягона эканлиги, порталларнинг баландлиги 71 метр, кенлиги эса 125x250 метр, яъни 4 гектар бўлиб, саройнинг ичи барча шарт-шароитлари, хоналарнинг ички безаклари бир-биридан ажралиб турган. Ички бинолар икки қаватда бўлиб, 1000 га яқин хоналар мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда Оқсаройнинг фақатгина кириш қисми, яъни порталлари сақланиб қолган.

Порталларнинг ҳозирги баландлиги 38 метрни ташкил этиб, катталиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Бошқа ҳудудлар каби мустақиллик йилларида Шахрисабз том маънода қайта тикланиб, қурилиш, миллий ўзликини англаш, арий маънавий-ахлоқий қадриятларни замон талаблари асосида ривожлантиришга юз очди. Хусусан, Оқсарой мажмуаси

атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкғумбаз, Дорут-тиловат, Дорус-саодат обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо этилди.

Дарвоқе, муассаса хизматчилари билан суҳбатлашаркансиз, Шахрисабзда 2018 йилда ўтказилган халқаро мақом фестивали шаҳарни халқаро жамоатчиликка кенг танитишга хизмат қилганини таъкидлайди.



ГАСТРОНОМИК САЙЁҲЛИК ЁКИ ҚАРШИДАГИ ТОЖМАҲАЛ

Воҳада чорва, хусусан, қўй-эчки республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кўплиги аён. Шу боис бу ҳудуд аҳолиси кўп гўшт истеъмол қилиши ҳақида турли латифалар ҳам йўлаб топилган. Аммо ҳақиқат шунки, вилоятда гастрономик сайёҳлик ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Сафаримиз давомида Қарши кўприги ва бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Ўз навбатида, Зарафшон дарёсининг Самарқанд шаҳридаги Қорасув массивига ёндош ҳудудда амалга оширилаётган ишлар моҳиятини англагандек бўлди. Чунки Қарши кўприги обидасида кўпчиликни жалб қилмаслиги мумкин. Аммо унинг остида ўтган дарё сувининг сунъий тўсиқлар билан тўплангани, соҳилида дам олувчилар учун яратилган шароитлар ажиб таассуротлар уйғотди. Табиийки, бу ерда ташриф буюрувчилар сонини оширади.

Соҳил бўйида маданий хордиқ чиқариш билан бирга, турли ширинликлардан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Асосийси, кўприқдан 1000 метрлар ҳамаси узоклиқдаги Чорсу чойхонасига (ошхона ёки ресторан эмас) кирмасликнинг иложи йўқ.

Бу ерда пиширилган тандир гўшти республикамизнинг барча ҳудудларига жўнатилади, - дейди ҳамроҳим, "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ботир Темиров. - Йигитларнинг қўли-қўлига тегмайди, яъни савдоси жуда яхши. Бундан 4-5 йил аввал иш бошлаганларида икки хонали пасткам бинода хизмат кўрсатишарди. Бугун, қаранг, баланд чойхонанинг Тожмаҳалдан фарқи йўқ.

Рост, янги бино жуда дид билан қурилган. Аммо менинг эътиборимни бошқа нарса тортиди. Чойхонага киришда "Йигит-қизларни ишга тақлиф қиламиз, ойлик 5 миллион сўм", деб ёзилганди.

"ИШЧИЛАРИМГА ТЎЛАГАН ПУЛИМ БИЛАН МАҚТАНАМАН"

Қарши шаҳрида хизматлар нархи Самарқанддагидан бироз арзонроқдек туюлди. Чунки кўҳна кентда таксичи 5 минг узатсангиз, 2 минг сўм қайтим бермайди. Ўша пулга пецда пиширилган бир дона сосма тановул қилишингиз ҳам мумкин.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, биз кирган меҳмонхоналарда афт-ангоримизга қараб муомала қилинмади, шароитимизни тушуниб, тўғри маслаҳат беришди.

- Кейинги кўчага ўтиб, шарққа томон юрсангиз, отел эмас, хостел бор.

Шундай муносабатдаги тўрт юлдузли меҳмонхоналардан бирининг раҳбари билан суҳбатлашиб қолдик. Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган тадбиркор исм-шарифини ошкор қилмаслигимизни сўради.

- Миллиардер тадбиркорлардан бирининг "Қиммат машина, замонавий уйим билан эмас, ишчиларимга кўпроқ ёрдам берганим, уларга бошқалардан кўра яхшироқ тўлаганим билан фахрланаман," деган гапи бор, - дейди у. - Буни мен ўзимга шиор қилиб олганман. Шу боис одамларга, халққа кўпроқ хизмат қилишни асосий мақсадим, деб биланман.

Фаолияти ҳақида маълумот оларканмиз, истараси иссиқ, айна дамда самимий бу инсон билан аввалдан қадрдондек ҳис этдик ўзимизни. Тўрт юлдузли меҳмонхона кургач, оддий одамларга қулай бўлсин, деб барча шароитга эга, арзон меҳмонхона қуриш ҳаммининг ҳам хаёлига келмайди. Камига тадбиркор тикувчилик фабрикаси қуриб, 20 турдан зиёд кийим-кечак тайёрлашни йўлга қўйган. Нархи арзон маҳсулотлар отел ва меҳмонхонада ҳам сотилапти.

Ҳа, Насафийдек алломалар, Амир Темурдек саркардаларга бешик бўлган воҳадан бир олам таассурот олдик. Мавриди билан унинг қолган қисмларини ҳам эълон қилиб борамиз.

Ёқубжон МАРҚАЕВ,
"Зарафшон"нинг махсус муҳбири.

ИСЛОҲОТЛАР ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ҲАМ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-сaxифада).

Нуробод туманида ҳам айни йўналишдаги ўсиш-ўзгаришлар кўзга ташланиб, жойларда қатор янги ижтимоий соҳа объеклари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари қад ростламоқда. Тумanning табиий иқлим шaroити бироз оғирроқ бўлса-да, яратилаётган имкониятлар тўғрисида эртанги кунга юксак ишонч билан ҳудуд ободлиги, тараққиёти учун ўз хиссасини қўшиш ҳаракатида. Буни олиб борилаётган ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига маҳаллий тадбиркорларнинг бош бўлаётганида кўриб, гувоҳи бўлиш мумкин.

Тумanning Сазагон ҳудудидан туман марказигача бўлган масофа 60 километрдан ортиқ. Бундай масофада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги муаммолар бўлиши табиий. Шунинг учун Нуробод тумани тиббиёт бирлашмасининг Сазагон ҳудудий бўлими ташкил қилиниб, ушбу ҳудуднинг ўзиде аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Ҳудудий бўлим 1959 йилда ташкил қилинган бўлиб, бу ердаги мавжуд шaroит бугунги кун талабига мувофиқ бўлиши учун тенгиз конструкцияси янги бино барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

– Ҳудудий бўлимимиз Тепақул, Сарой ва Сазагон маҳаллаларидаги 11 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиши белгиланган, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси Сазагон ҳудудий бўлими мудири Абдуҷаббор Умаров. – Ҳудудга яқин бўлган маҳаллар ҳам туман марказигача масофа олислигини ҳисобга олиб, бизга мурожаат қилишди. Лекин шу пайтгача уларнинг талабига мос тиббий хизмат кўрсатиш имкониятимиз чекланган эди. Эндиликда янги бинода амбулатор шaroитда беморларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Бунда жами 15 ўрин, яъни тўғруқ бўлимида 5 та, болалар бўлимида 5 та ва катталар терапия бўлимида 5 та ўрин яратилган. Эски биномиздан қундузги стационар сифатида фойдаланамиз.

Тиббий хизмат сифатини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Жом маҳалласи чека ҳудудидаги тўрт минг нафардан ортиқ

аҳоли ҳам замонавий шaroитларда бирламчи тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ушбу маҳалла республика-мизнинг аҳоли сони энг кўп бўлган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Жомда ҳозирда 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг чека ҳудудида яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида "Ором" оилавий шифокорлик пунктнинг "Дукур" филиали ташкил қилинган. Ушбу филиал 1992 йилда қурилган бўлиб, ҳудуддаги 4050 нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиши белгиланган. Сўнгги йилларга келиб, филиал харабага айланган, аҳоли узок масофа босиб, "Ором" оилавий шифокорлик пунктга қатнашга мажбур бўлаётган эди. Маҳаллий ҳомийлар ҳамда туман ҳокимлиги хамкорлигида 200 миллион сўм маблағ сарфланиб, филиалда қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, кўркам қиёфага келтирилди.

– Ёшим 65 да, 10-15 километр масофага бориб келиш қийнаб кўярди, - дейди ҳудудда истиқомат қилувчи Улбўсин Раҳмонова. – "Ором" оилавий шифокорлик пунктнинг "Дукур" филиалини қайта таъмирлаб, етарли шaroит яратиб берганларнинг ҳаммасига – Президентимизга, вилоят, туман раҳбариятига, хамқишлоқ ҳомийларга, барчасига мингдан-миг раҳмат. Чека ҳудуддаги аҳоли саломатлигини ўйлаб қилинган ишлар хайрли бўлсин.

Туман ҳокимлиги маълумотларига кўра, айни пайтгача тумanning олис ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойларининг жойлашув ўрни тарқоқ эканлигини инобатга олган ҳолда маҳалла тиббий пунктларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача туманда



енгил конструкциядан ясалган 25 та маҳалла тиббий пункти ташкил қилиниб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Жумладан, тумanning Оман-дара маҳалласида ҳам аҳолига



қулайлик яратиш, сифатли бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида маҳалла тиббий пункти очилди. 131 миллион сўм бюджет маблағи ҳисобидан бунёд этилган маҳалла тиббий пунктида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroит яратилган. Муҳими, ушбу тиббий муассасаларга олий ўқув юртларини битириб келган ёш мутахассислар жалб этилмоқда.

– Жорий йил Самарқанд давлат тиббиёт университетини битирдим, - дейди "Омондара" маҳалласи тиббий пункти умумий амалиёт шифокори Руслан Қувондиқов. – Турмуш ўртоғим ҳам ўзим билан бирга университетни битирди. Мен Баст Дарғом туманидан, турмуш ўртоғим Жаззах шахридан. Президентимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотларга ўз хиссамизни қўшиш мақсадида иккимиз ҳам чека ҳудудда фаолият юритишни мақсад қилдик. Биз учун яшаш ва меҳнат шaroитлари етарли даражада таъминлаб берилди. Бошлаган ишимиздан мамнунмиз.

Омондара маҳалласидаги ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Маҳалла тиббий пункти билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини ҳам янги бинода фаоли-

лари ҳамда маҳалла профилактика инспектори учун қулай иш шaroити яратилди.

– Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан сўнг маҳалламиз таниб бўлмас даражада ўзгармоқда, - дейди маҳалла фаоли Эштурди Раҳимов. – Хусусан, 12 километр янги асфальт қопламаси ётқизилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун артезиан қудуғи қазилди. Мавжуд қишлоқ врачлик пункти мукамал таъмирланди. Бугун маҳалла тиббий пункти, маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида катор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш учун битта ҳудудда қисқа муддатда шунча иш бажарилишининг ўзи катта гап. Давлатимиз раҳбарининг, маҳаллий мутасаддиларнинг шай-ҳаракатлари натижасида шундай фаровонликка эришдик. Энди биз ҳам халқимиз билан биргаликда юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш йўлида бор имкониятимизни ишга соламыз, албатта.

Айни пайтда туманда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг боғчага қамров даражаси 68 фоиздан 71 фоизга етказилган. Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг сони 170 дан ортиқни ташкил қилади. Дўстлик маҳалласида ташкил қилинган 20-давлат мактабгача таълим муассасасининг фойдаланишга топширилиши натижасида яна 60 нафар боғча ёшидаги бола мактабгача таълимга қамраб олинди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 331 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган муассасада маҳалланинг 18 нафар фуқароси ҳам ишли бўлди. Маълум қилинишича, мустақиллигимизнинг 31 йиллик тантаналари арафасида туманда яна 5 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

**Ғ.ҲАШАНОВ,
А.ИСРОИЛОВ (сурат).**

Олий таълимда коррупциянинг олдини олиш учун таълим бор

Transparency International халқаро ташкилотининг ҳисоботида кўра, 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон аввалги йилга нисбатан ўз ўрнини 6 поғонага қўтариб, 140-ўринни эгаллади (2018 йилга нисбатан 18 поғона юқори). Бу кўрсаткич мақтанарли даражада бўлмаса-да, ўзгариш бўлаётганидан дарак, албатта. Аммо олий таълим муассасаларида қандай қилиб вазиятни яна ҳам яхшилаш мумкин?

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасаларида коррупция ҳолати деярли учрамайди. Тўпланган тажриба ва кўр-ган тизимлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон олий таълим муассасаларини янги босқичга олиб чиқиш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича иккита таълим бермоқчиман.

Биринчи таълим – Email почта тизими. Бу тизимни яратиш учун университет ёки институт кесимида барча талабалар ва ўқитувчи (ҳодим)ларнинг алоҳида Email почталарини яратиш керак. Сўнгра талабаларга ўтиладиган фанлардан сўровномалар тайёрлаб, ҳар бир семестр охирида Email орқали жавоб олиш лозим. Сўровнома асосида талабалар ҳар бир фан бўйича дарс сифати ва коррупция ҳолатини баҳолайди.



Талабаларнинг Email орқали юборган жавоблари автоматик тарзда олий ўқув юрти ва тегишли вазирликларнинг маълумотлар базасига тушади.

Олинган натижаларнинг таҳлили бўйича ОТМ раҳбарияти сифат даражаси паст деб баҳоланган ўқитувчилар билан ишлаши, малакасини ошириши, шунда ҳам ўзгармаса, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши керак.

Бу тизимнинг биз билган қоғозда олинмаган сўровномалардан яна бир асосий афзаллиги шундаки, текшириш ва таҳлил учун деярли вақт сарфланмайди, талабалар саволларга жавоб беради ва тизимнинг ўзи автоматик тарзда натижаларни чиқариб беради.

Иккинчи таълим – университетларни халқаролаштириш. Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, республикадаги қанчада ўнта олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (QS, THE yoki Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 таликка киритиш белгиланган. Ҳўш, университетларимизни халқаролаштириш, дунё тан оладиган олийгоҳларга айлантириш учун нима қилишимиз керак?

Ривожланган давлатлар ва дунёнинг 1000 талик рўйхатига кирадиган университетларнинг деярли барчасида инглиз тили ўқитиш дастурлари мавжуд. Мисол учун, Венгриянинг тўққизта олий таълим муассасаси дунё тан олган ташкилотларнинг дастлабки 1000 талик рўйхатига кирди ва буларнинг ҳаммасида инглиз тилида ўқитиш дастурлари мавжуд. Жумладан, QS рейтингини бўйича 691-600 ўринларда турувчи Дебресен университетида 70 дан зиёд инглиз тилидаги дастурлар мавжуд бўлиб, уларда 300 дан ортиқ инглиз тили гуруҳлари ёки 7000 нафардан ортиқ халқаро талаба таҳсил олмақда.

Бугунги кунда бизнинг олий таълим муассасаларимизда ҳам дарслар инглиз тилида олиб бориладиган гуруҳлар очилиши керак. Натижада талабалар замонавий ва хориж билимларини олиб, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар бўлиб етишади. Хорижий талабалар сони ошади, хорижий университетлар ва профессор-ўқитувчилар билан (мақола чиқариш, ўқитувчилар ва талабалар алмашинув дастурларини кўпайтириш бўйича) хамкорлик жадаллаштиришга олиб келади.

**Отабек УМАРОВ,
Венгриянинг Дебресен университети докторанти.**

Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган муассасаларга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича комиссия ўз ишини бошлади

Вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассисларидан иборат психологик-тиббий-педагогик комиссия ўз ишини бошлади.

таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим берилган оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низом талабалари асосида жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг психологик имкониятларини текширувдан ўтказиш. Комиссиянинг фаолият юритиши учун Самарқанд

шаҳар "Баркамол авлод" болалар мактабиде алоҳида хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Вилоятдаги имконияти чекланган болалар мазкур комиссия кўригидан ўтиб, у йўл-ланма асосида ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга жойлаштирилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати.

Мазкур комиссия Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги "Алоҳида

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд туманидаги "MAROQAND PARRANDA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 204023120) ўз устав фондини камай-тирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетамизда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани "Оҳалик" МФЙ, Паррандачилик қишлоғи.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасида марҳум Тўхтамурадов Турага (2013 йил 8 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Гагарин кўчаси, 60-ўй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёр-ович нотариал идорасида марҳум Муҳиддинов Абдунаби Тилаковичга (2021 йил 13 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёр-ович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Раббимовичга (2022 йил 26 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-ўй.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.

Оқдар туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшид-хон Сафоҳонович нотариал идорасида марҳум Бердияров Илхомга (2020 йил 3 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафоҳонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Оқдар тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Теқур кўчаси.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Суванкулов Халқулга (2007 йил 18 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шахри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Джураев Ишқулга (2011 йил 12 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шахри Мустақиллик майдони.

Булунғур туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Ширинова Дилсуз Зафар қизи номига берилган УМ № 0140908 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Манзил: Самарқанд шахри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Эшонкулов Ҳамрокул Шодноновичга (2020 йил 15 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукрулова нотариал идорасида марҳум Шукрулова Турсунойга (2021 йил 3 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукрулова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Эшонкулов Ҳамрокул Шодноновичга (2020 йил 15 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-ўй.

Булунғур туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Ширинова Дилсуз Зафар қизи номига берилган УМ № 0140908 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"РАҲМДИЛИК"

НАФРАТНИ ЮМШАТАДИ, ЯХШИЛИККА УНДАЙДИ

Уларнинг тақдири турфа хил, турли синовларни бошидан кечирган, аммо бир нуқтада жамланган ҳаммаси. Калтаклар, хиёнатлар, уйдан ҳайдашлар... Улар бир-бири билан суҳбатлашиб қолгудай бўлса, айтадиган, ўргатадиган жиҳатлари кўп.

АЁЛЛАРНИ УЙГА ОЛИБ КЕЛАДИ...

Хаммасини кечириб келдим, - дейди Қашқадарё вилоятдан келган Саодат (исмлар ўзгартирилган). - Жуда узоқ кутдим, ҳали ёш, ўзига келиб қолади, дедим. Аммо ўзига келай демади. Турмуш қурганимизда эр-хотин иккаласи бирдай оила мустақамлиги учун ҳаракат қилади, изланади, меҳнат қилади, деб ўйланган. Ахир, оила муқаддас, ҳаммамиз хотиржам бўладиган маскан-ку, деб ўйланган.

гапмас. Шунинг учун ҳуқуқшуносларимиз Саодатга уч боласи билан бошпана топиш йўллари излай бошлашди. Маълум бўлишича, турмуш ўртоғи билан биргаликда ер олиб, участка кўтарилган экан. Ўша уйда шу аёлнинг ҳақи йўқми? Албатта, бор! Аммо ҳозир қайнота, қайноналар, эркаклар нима қиляпти? Ўзлари ишлаб топган пулга олинган мол-мулкни ҳам ота-онаси номига расмийлаштиради. Келинни ҳатто уйига рўйхатга ҳам қўйишмайди.

Хуллас, Саодатнинг кўчада қолмаслиги учун жиддий ҳаракат қилишимиз керак эди. У ҳали битмаган участкада болалари билан яшай бошлади. Тегишли идораларга хабар бердик. Ҳамкорликда унинг яшаши учун шароитлар яратилди. Ишли бўлди, болаларига алимент оляпти, озроқ бўлса-да, ўзини ўнглаб олди.

ОЙИГА 450 МИНГ СЎМ БИЛАН ЭГИЗЛАРИМНИ КАТТА ҚИЛЯПМАН

Мен олти ойдан бери эгизакларим билан шу ерда (шелтерда) яшайман, - дейди Паст Дарғом туманидан келган Роҳила. - Турмуш ўртоғим билан қайнонам кун бермади, ҳар ишимдан камчилик топади. Ота-онам оламдан ўтиб кетишган, ака-укаларимникига сиғмайман. Эрим фарзандларини тан олгиси келмаяпти, ДНК текшируви ўтказаман, дейди ва ҳар сафар уйдан кет, деб жанжал кўтаради. Маҳалла, ҳокимиятга мурожаат қилганимдан сўнг шу ерга олиб келишди. Бола пули оламдан ҳар ойда 450 минг сўм. Шу билан кун кўряпман асосан.

Эгизак болаларингизга қўшимча овқат беришингиз керак, бу пул билан қандай кун кечиряпсиз? - Пулим етгунича оламан, асосан картошка, макaron. - Болаларгачи? - Уларгаям шундан егизаман, баъзида сут билан бўтқа пишираман. Бибибисора опа шу ерда яшовчиларга ҳар замонда овқат пиширтиради. Шундагина гўшт кўради озгисимиз.

ҲУҚУҚИЙ ЎРДАМГА МУҲТОЖЛАР КЎПРОК

Роҳила ҳам уйдан ҳайдалган, аммо борадиган бошқа жойи йўқ аёллардан, - дея тушунтириш беради Бибибисора опа. - Унинг ҳам асосий муаммоси уй-жой. Турмуш ўртоғи уйига қиритишни истамаяпти. Аммо ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бу аёлга ёрдам бераймиз. Умуман, "Самарқанд вилоятидаги қў-



макка муҳтож аёллар учун ҳуқуқий ёрдам" лойиҳамиз доирасида бир йил давомида 3374 нафар аёлга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва манзилли ёрдамлар берилди. Жумладан, химоя ордери олиниши, алимент, ажрашиш, кичик бизнес бошлаши учун кредит олиш, шунингдек, ижтимоий уй-жойга эга бўлиш кабилар билан боғлиқ масалалар юзасидан манзилли ёрдамлар кўрсатилди. Мурожаат қилганлар орасида оилавий зўравонликка учраган аёлларнинг сони салмоқли. Шунингдек, хотин-қизларнинг оиладаги зўравонликка учрамастлигининг олдини олиш борасида 5 мингга яқин тарғибот тадбирлари ҳам ўтказилди.

"Раҳмдиллик" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ташкил этилган шелтер кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. Бир неча ўн йиллардан буён мазкур шелтерда химояга муҳтож минглаб аёллар паноҳ топиб, ўз йўлини топиб кетган. Айни пайтда 50 нафарга яқин аёллар учун мўлжалланган мазкур шелтерда 30 нафар аёл истиқомат қилади. Улар орасида нафақат оиладаги зўравонлик туфайли, балки тақдир тақозоси билан кўчада қолган аёллар ҳам паноҳ топган.

Мисол учун, Самарқанд шаҳридан Малика ва Мастуралар ҳовлисини баъзи бир зўравонлар ўзлаштириб олишгани туфайли узоқ йиллар умрини суд идораларида, ҳақини талаб қилиб ўтказишди. Ҳалиям бу жараён давом этмоқда. Улар бир неча йилдан буён шелтерда истиқомат қилишади. Ҳатто Бибибисора опанинг химояга муҳтож аёлларга кўмак берадиган яқин ёрдамчиси ҳам айланган. Яқинда шу аёллар уйи бўлиш арафасида. Турфа тақдирлар... Уларни химоя-сизлик, зўравонликнинг оқибатлари бирлаштириб туради. Кези келганда бир-бирига кўмак кўрсатишди, баъзида бир-бирларига ҳалақит беришади. Сабаби оддий, ҳаёт уларни сийламаган, синовлар асабларини таранглаштирган, қалбларини қаттиклаштириб қўйган. "Раҳмдиллик" шу нафратларни юмшатишга уринади, уларни яхшилик мавжудлигига, ҳаётнинг уларга аталган мўъжизалари борлигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Бу ҳаракатлар беиз кетмаётганига юқоридаги мисоллар гувоҳ.

Гулрўх МЎМИНОВА.

Қўшрабoтнинг водийлик келиниман

ёхуд мусиқага ошно кўнгилдан ёмонлик чиқмайди

Халқимиз қиз болани падохмон тошига қўёслайди. Яқинми, олисми, қаерга бориб тушмасин, ўша ерда қўним топиб, бахтли ҳаёт кечиришини истайди.

Мен ҳам тақдир тақозоси билан Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридан Қўшрабoтга келин бўлиб тушдим. Аввалига олис масофа, иқлим шароити, урф-одатлар мени бу ерда "тошдек қотишим"га кўниктиролмас керак, деб ўйлардим. Кейинчалик ота-онамнинг юзини ерга қаратмаслик, турмуш ўртоғим билан ўртамаздаги садоқат, фарзандлар келажаги ҳақидаги ўйларни тарозининг иккинчи палласига қўйдим ва мана, 13 йилдири, қўшрабoтликларнинг водийлик келини бўлиб, яшаб келяпман.

Зерикш ва соғинч қийноқларининг давосини ота-онам кўмаги билан болалигимдаёқ топганман. Бу - мусиқа ва меҳнат. Куй-қўшиқ тинглаб, уй юмушларини бажариш ҳамда томорқада деҳқончилик қилиш, чарчаган чоғимда бирор-бир мусиқа созини чалиб, хордиқ чикариш жону дилим. Шу



одатим менга ҳаётда кўп қийинчиликларни енгилда асқотган.

Мактабни тугатиб, ҳеч қаерда ўқимагандим. Қўшрабoтга келин бўлиб тушганимдан кейин тумандаги педагогика коллежиде бўлса ҳам ўқиш имкониятига эга бўлдим. Ҳозирда тумандаги 5-мактабга таълим ташкилотиде мусиқа тўғрарига раҳбарлик қилиб, болажонларга куй-қўшиқ

ўргатиб келяпман. Келгусида болалар фольклор ансамблини ташкил этишни режалаштирганман. Бу ишларимни оиламдагилар ҳам қўллаб-қувватлаб туриши мен учун энг катта далда. Фарзандларимнинг ҳам мусиқага қизиқиши баланд. Шунинг учун улар ҳозирда болалар мусиқа ва санъат мактабиде таълим-тарбия оляпти.

Яқинда Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда давлатимиз раҳбари "Мусиқа санъатига қизиқиши баланд бўлган ёшларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилди. Фортепиано ижрочилари тайёрлаш бўйича қабул 3 баробар кўпайтирилди, бу йўналишда ҳам контракт тўловлари тўла қўллаб берилди", дедилар.

Бу кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди. Энди ёш сингилларимиз, фарзандларимиз бундай имкониятлардан унўяли фойдаланиши керак.

Муҳаббат ҚАНДАҲАРОВА, Қўшрабoт тумани.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

22 ИЮЛЬ Саидали МИРЗАЕВ - 1939 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ганчкор. Ўзбекистон халқ устаси.

30 ИЮЛЬ Ойдинисо ҲАМРОЕВА - 1952 йилда Каттакўрғон туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

Гулрўх МЎМИНОВА.

Қўпнота тепалиги этагидаги маҳалладан автобуга ўтириб, шаҳар марказига бордим. Маҳмуд Кошғарий кўчасида жойлашган ғиштли бино дарвозасига яқинлашдим. Ички ишлар ходимлари турган экан, "Ўғлим, ҳақлиги идора, кексалар, пенсияонерлар келадиған идорани излаётганим", дедим. Улардан бири мақсадимни тушунди чоғи "У идора мана шу банкнинг эски биноси орқа томонида. Ёғоч дарвозали эшикдан кирасиз. Аммо улар бошқа жойга кўчишди, шекилли", деди.

Кўчманчи идора

Ўтган йили ёзда бир келганим. Поликлиника дўхтирлари "Пенсия кнжкангани олиб келсангиз, саноаторийга, дам олиш масканларига йўланма олишингиз учун рўйхатга қўямиз", дегани учун келувдим. Қарилик, хотираям айтганини қилмайди-да, ўша пайти келсам бўларкан... Эски ёғоч дарвозанинг олдига олиб қўйиладиган тахтача йўқ. Унда идоранинг номи ёзиб қўйиларди. Ҳафсалам пир бўлди. Номиям дафтарга ёзсангиз, тўрт қатор бўлади.

Бироз ўтириб, дам олдим. Менга ўхшаган саргардонлар ҳам кўп экан. Бир кампир, ёнида набираси билан менга яқинроқ келди. - Қўчибди, - дедим. - Нима, идора яна кўчибдими? - моам анча хушёр, гапимни бир деганда илғади. - Биринчи марта эски Сиёб

ҳокимияти биносиде жойлашганидидорамиз, жуда қулай жой эди, - деб гап бошлади моам. - Кейин Гагарин кўчасидаги техникум биносининг иккинчи қаваитдан тўртта хона ажратиб беришди. 2018 йилда эса мана шу набирам билан Самарқандни айлана-айлана сарсон бўлиб, повортдан пиёда юриб, облГАИнинг орқа томонидаги "Сино" заводига бордик. Завод маъмурий идорасининг иккинчи қаваитдан учтагина хона ажратиб беришган экан. Бо-яқиш идора бошлиғига жой топилай, дераза олдидаги жойга битта стул қўйиб, столни умумий қилиб ўтирганини кўрганман.

Бироз дам олгач, аёл ва унинг набираси билан такси тўхтатиш учун жойимиздан кўзгалдик. Шу пайт идорани сўраб яна бир киши келди ва чўнтагидан уяли телефонини олиб, кўнғироқ қилди. Кейин

Фельетон ўрнида

"Юринглар, идоранинг янги кўчган манзилига бирга борамиз", деб илтифот кўрсатди.

Такси ҳайдовчиси шаҳарнинг Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари кесиммасидан чапга, бироз юриб, ўннга бурилди. Машинани тўхтатиб, йўлда келаётган тўрт-беш қариядан идорани сўради. Излаган идорамизни топиб, таксичини дуо қилиб жўнатдик. Етмиш ёшли камина, саксонга бораётган кампир ва набираси ҳамда янги шеригимиз - бўлғуси пенсионер идора ҳовлисига кирдик. Бир қиз, чамаси янги ходим бўлса керак, ёнимизга келиб "хўш, хизмат", деди. Келишимиз сабабларини бирма-бир айтдик.

Идоранинг уч-тўрт ходими ҳовлига стол-стул қўйиб, кишиларни қабул қиляпти.

- Сиз астрология, астрология фанларини яхши биласизми? - деди суҳбатимизга қулқотутиб турган идора ходимларидан бири биз билан келган бўлғуси пенсионерга. - Ўттиз етти йил ишлаб, пенсияга чиқяпсизу, ҳали ёш кўринасиз. Ишлайверинг, пенсия пулиниям олаверинг. Айтинг-чи, астрология, яни мунажжимлар билишади. Бизнинг идорамиз бу жойда неча ой ёки неча йил фаолият кўрсатади? Биз қачон ва яна қаерга кўчамиз?

Убай ҚОДИРХОН.

Ҳаёт сабоқлари

Ҳар қийинчиликда бир енгиллик бор

Ишимиз юришмай, "емаган сомсага пул тўласак" ёхуд мушкулимизни осон қилиш учун қилган сазй-ҳаракатларимиз зое кетса, ҳақиқат излаймиз. Чўнки ҳар ким умри давомида бир бор бўлса-да, ноҳақликка дуч келади. Аммо унутмайликки, ушбу ноҳақликларнинг келиши фақат бандадан. Аллоҳнинг 99 исмларидан бири ҳам Ал-Ҳақ ҳисобланади. Айнан ҳақиқат ибораси Яратганнинг мазкур исмидан олинган. Ҳақиқат арабча сўз бўлиб, чинакам,

тўғри, адолат деган маъноларни англатади. Ҳақиқатни англамоқ учун инсонда пок қалб, мукамал ақл ва билим, виждон ҳамда етарли тажриба бўлиши керак. Уни нечоғлик тез англасак, шу қадар яхши ва ёмонли эрта ажрата оламиз. Аммо биз, "хом сут эмган" бандалар унинг "юзи"га тик қарашни истамаямиз. Фақат ҳақиқат ва адолат асосида иш юритсакки, бахтиёр жамият қуриш мумкинлигини тан олгисимиз келмайди. Таъкидланганидек, ҳаёт йўлимиз бир текис

эмас. Унинг ўзига хос ўнқир-чўнқирлари, қийинчиликлари бор. Шундай муаммоларга дуч келинса, ҳақиқат йўқлигидан нолимайлик. Аксинча, сабрли ва қаноатли бўлиб, муаммоли вазиятларга тушганимизда ўзимизни йўқотмайлик!

Қўрьони карим оятлари ва ҳадисларида "Ҳар бир қийинчиликдан сўнг енгиллик бор", дейилади. Ислом таълимотида тақво оғирни енгил қилишининг шартларидан биридир. Бахтли ҳаётга эришишининг юзлаб кўчалари мавжуд. Муҳими, адолатга, ҳақиқатга, виждон амрига амал қилсак, турмушимиз саодатга тўлиб, хатардан йироқ бўлади.

Анвар ҒУЛОМОВ меҳнат фахрийси.

БЕШ ҲУДУДА ДЭЮДО БЎЛИМЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 июндаги "Дэюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, дэюдо-ни аҳоли ўртасида оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизими йўлга қўйилади.

Хусусан, вилоятимизда 2022-2023 ўқув йилидан Каттакўрғон шаҳар, Буланғур, Қўшрабoт, Нарпай ва Пайариқ туманларидаги спорт муассасаларида дэюдо бўлимлари ташкил этилади. Уларга спорт мактабларидаги малакали тренерлар жалб қилиниб, вилоятда дэюдо бўйича спорт мусобақалари 1,5 бараварга оширилади.

Самарқанд олимпия ва паралимпия захиралари коллежи, спортнинг яқка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби машғулот олиб бориладиган асосий ва ёрдамчи базаларга айлантирилади.

Қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб "Бола-лар учун дэюдо" дастури доирасида боғча ва мактаб ёшидаги болалар ҳам ушбу спорт турига жалб қилинади.

Ахрор ШАМСИЕВ, вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бўлими бошлиғи.

Болага телефон берманг!



Автобусда кетаётиб, чамаси 2-3 ёшли боланинг тинмасдан йиғлаб, ўжарлик қилаётганига гувоҳ бўлдим. Онаси ширинлик ва ўйинчоқлар бериб, уни оувтмоқчи бўлар, аммо бола кўнмасди. Шу пайт бола ёнидаги одамнинг телефони талпингандек бўлди. У киши гўдақнинг нима истаётганини тушунди ва телефонни узатди. Қизик, бола дарров тинчланди. Манзилга яқинлашган телефон эгаси болани оувночи-дан айиришга мажбур бўлди.

Болақай яна хархаша қилар, атрофдагилар эса безовталанарди. Шу ерда турган бир қиз уни нима оувтиши мумкинлигини билиб, телефонини берди. У яна жим бўлди. Телефон экрани устида бармоқларини катталардек ҳаракатлантириб, суратлар папкасига кирди ва томоша қила бошлади. Ҳали харф танимайди, китоб ўқиниши билмайди, лекин телефонни катталардан кўра яхшироқ тушунади.

- Қўллаб бермадингиз-да, - деди боланинг онаси хижолат бўлгандек. - Ҳеҳқиси йўқ, жим кетса бўлгани, - деб қулиб қўйди қиз. - Уйда нуқул дадасининг телефони билан ўйнайди-да, - деди аёл. - Ўзим ишлатмайман, лекин бу бола шунга ўрганиб қолган. Болалар телефонга ўз-ўзидан ўрганиб қолмаётгандир, биз, катталар ўргатиб қўяётгандирмиз балки...

Дилноза ҚУРБОНОВА, Бухоро давлат университети талабаси.

Matbuot uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and contact information.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Contact details for the newspaper.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling.

ISSN-201667X 9 1772010667009. Sotuvda narxi kelishilgan holda.